O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 26 август № 177-178 (3452-3453) Пайшанба

# БОЛАЛАР СПОРТИГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАГИМИЗГА ЭЪТИБОР

*25 август куни Оқсаройда Президент Ислом Каримов раислигида Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлди.*

Мамлакатимиз раҳбари шу йил 9 январь куни ўтказилган Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгаши йиғилишида қўйилган вазифаларнинг бажарилишига, спорт иншоотлари барпо этиш дастури доирасида жойларда амалга оширилаётган ишлар ва уларни молиялаштириш манбалари, 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини бажаришда Жамғарманинг ўрни ва аҳамияти, жисмоний тарбия ўқитувчи кадрларни тайёрлаш аҳволининг таҳлилига алоҳида эътибор қаратди.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга жиддий эътибор берилаётгани туфайли бугунги кунда соҳадаги кўплаб муаммоларга ижобий ечим топилмоқда. Бу борада бошлаган хайрли ишларимизнинг замирида ҳеч кимдан кам бўлмаган авлодни вояга етказишдек улуғвор ва истиқболли мақсад мужассамдир. Ушбу ташаббус ўзини оқламоқда, эзгу юмушларимиз самарасини бермоқда.

Кенгашнинг аввалги йиғилишида жойларда болалар спортини ривожлантириш учун малакали ва фидойи кадрларни жалб этиш, спорт иншоотларини зарур жиҳозлар ва анжомлар билан таъминлаш, бундай анжомлар, кийим-кечаклар ва чарм-пойабзал маҳсулотларини ўзимизда замон талаблари даражасида ишлаб чиқариш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш вазифалари қўйилганди. Ҳокимликлар, тегишли вазирлик, ташкилот ва идоралар раҳбарлари зиммасига бу борада аниқ вазифалар юкланган эди.

Болалар спортини ривожлантириш бўйича ҳудудий дастурлар доирасида, аввало, спорт иншоотларига эга бўлмаган қишлоқ мактаблари аниқланди. Уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш, бу ишларга ҳомийлар маблағларини кенгроқ жалб этиш, спорт секцияларини малакали кадрлар билан таъминлаш, мактаблар атрофини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, спорт майдонлари қуриш каби юмушларни босқичма-босқич амалга оширишга киришилди.

Болалар спортини оммалаштириш, маҳаллаларда оилавий спорт мусобақаларини мунтазам ўтказиш, қизларни спортнинг енгил атлетика, гимнастика, сузиш, теннис, стол тенниси каби секцияларига кенгроқ жалб этиш борасида эътиборга молик ишлар қилинаётир.

Йиғилишда мўлжалдаги маблағнинг ўз вақтида ва тўла миқдорда тушишини таъминлаш бўйича жойларда амалга оширилаётган ишлар кўлами таҳлил этилди. Таъкидланганидек, 2004-2005 йилларда ишга туширилиши мўлжалланган 61 та янги объект бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. Жорий йилнинг 25 август ҳолатига кўра, 23 та янги ва 19 та реконструкция қилинган спорт иншооти фойдаланишга топширилди.

Бу объектлар, Ислом Каримов уқтирганидек, хўжакўрсинга, фақат ҳисобот учун эмас, болаларимиз улардан фойдаланиши, жисмонан ва маънан камолга етиши йўлида барпо этилмоқда.

Шу билан бирга, жойларда бу борада камчилик ва нуқсонлар мавжуд. Тегишли ташкилотлардан маблағлар тушиши тўла таъминланмаган. Айрим вилоятларда ҳудудий ҳомийларни жалб қилиш ишлари етарли даражада олиб борилмаяпти. Белгиланган қурилиш ишлари асоссиз равишда чўзиб юборилмоқда. Йиғилишда бу ишларнинг ижроси бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари шахсан масъуллигига яна бир бор эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ишлаб чиқилгани ва ҳаётга кенг жорий қилинаётгани болалар спортини ривожлантириш борасида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, бу борадаги барча юмушлар мактаб таълимини ривожлантиришга қаратилган улкан қамровли ишларнинг таркибий қисмидир. Президентнинг 2004 йил 21 майдаги "2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида"-ги фармони, Вазирлар Маҳкамаси бу борада қабул қилган қарорлар талабларини бажариш юзасидан муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурига мувофиқ, 2004-2009 йилларда жойларда янги қуриладиган мактабларда 325 та, шу жумладан, қишлоқ жойларида 300 та, капитал реконструкция қилинадиган 2 минг 313 та мактабнинг 1 минг 431 тасида (ҳаммаси қишлоқ жойларида) спорт заллари қурилиши режалаштирилган.

Спорт залларини жиҳозлаш масаласи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Афсуски, болалар спорт мажмуалари ва залларини зарур спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминлаш қониқарсиз аҳволда. Мактабларни спорт жиҳозлари билан таъминлаш даражаси республика бўйича 23 фоиз, қишлоқ мактабларида эса 19 фоизни ташкил қилмоқда.

Президентнинг фикрича, спорт анжомлари ва жиҳозларини ўзимизда, ўз корхоналаримизда тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Юртбошимиз спорт мураббийларини тайёрлаш масаласига атрофлича тўхталди. Республика миқёсида жисмоний тарбия фани бўйича педагог кадрлар билан таъминланганлик даражаси 94,3 фоизни ташкил этади. Аммо жисмоний тарбия ўқитувчиларининг 50,5 фоизи олий маълумотли, мингдан ортиқ ўқитувчи эса жисмоний тарбия ва спорт бўйича мутахассисликка эга эмас. Бу борада педагог кадрларни тайёрлаш билан шуғулланадиган олий ўқув юртлари тизимини тартибга солиш, спорт мураббийларини тайёрлашни такомиллаштириш зарурлиги қайд этилди.



Ўзини миллатнинг, халқимизнинг ҳақиқий фарзанди деб ҳисобловчи ҳар бир фидойи инсон болалар спортини ривожлантириш масаласига бефарқ бўлмаслиги керак, деди Президентимиз. Зеро, ёш авлод тақдири қалбида халқни, миллатни улуғлаш, дунё миқёсида ўзбек номини, шонини тараннум этиш, Ўзбекистонимизнинг обрў-эътиборини оширишдек эзгу орзу-истак билан яшаётган ҳеч бир ватандошимизни эътиборсиз қолдирмаслиги шарт.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Файзуллаев, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бошқаруви раиси А.Мирқосимов ва вилоятлар ҳокимлари бу борада амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берди.

Йиғилишда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

**Ғулом МИРЗО,**
**ЎзА мухбири.**
**Абдувоҳид ТЎРАЕВ**
**олган сурат.**

*Бугун Тошкентда Иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси ўз ишини бошлайди*

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида

25 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг йиғилиши бўлди.

Йиғилишни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов олиб борди.



Кенгаш аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раисининг ўринбосари, иккинчи чақириқ парламентининг ўн бешинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи раҳбари Б. Бугровнинг тайёргарлик даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги ахборотини тингладилар.

Парламент қўмиталари ва комиссияларининг раислари Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритилаётган қонун лойиҳалари ҳамда бошқа ҳужжатларнинг тайёр эканлиги тўғрисида ахборот бердилар, сессия ишини ташкил этиш юзасидан фикр алмашдилар.

Олий Мажлис ўн бешинчи сессияси Котибиятининг сиёсий партиялар депутатлар фракцияларининг, ҳокимият вакиллик органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан сайланган депутатлар блокларининг раҳбарлари билан келишилган ҳолда таклиф этилаётган таркиби ҳам йиғилиш иштирокчилари томонидан кўриб чиқилди.

Кенгаш молия вазири С. Раҳимовнинг ҳамда парламент Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раиси А. Аҳадовнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Йиғилиш иштирокчилари мамлакатимиз асосий молия ҳужжатининг жорий йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботни, Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрларини маъқуллаб, уларни парламентнинг ўн бешинчи сессияси муҳокамасига киритиш ҳақида қарор қабул қилдилар.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони бериш тўғрисида



***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шуҳратини юксалтириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқпарварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга "Ўзбекистон Қаҳрамони" унвони берилиб, олий нишон — "Олтин юлдуз" медали топширилсин:***

**Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич** — "Ўзбекистон темир йўллари" давлат акциядорлик компаниясининг "Ўзбекистон" локомотив депоси тепловоз машинисти

**Маҳмудова Анор Мадаминовна** — Гурлан туманидаги Ибн Сино номли 5-мактаб директори, Хоразм вилояти

**Ҳамидов Абдураим** — Тўрақўрғон туманидаги "Ўзбекистон" ширкат хўжалигининг пудратчиси, Наманган вилояти

**Юсупов Иброҳим** — Ўзбекистон халқ шоири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 25 август.



Иброҳимов Тўлқин Йўлчибоевич



Маҳмудова Анор Мадаминовна



Ҳамидов Абдураим



Юсупов Иброҳим

## Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ўн бешинчи сессиясининг очилиши тўғрисида

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн бешинчи сессияси 26 август куни эрталаб соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари диққатига**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 26 август куни эрталаб соат 8.30 дан 10.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида рўйхатга олинади.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон илм-фани ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган марҳум фан, адабиёт ва санъат арбобларини мукофотлаш тўғрисида

***Ўзбекистон фани ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бутун ҳаётини эл-юрт равнақи, халқимиз маънавиятини юксалтиришга бахш этган ватандошларимизнинг табаррук хотирасини ёд этиб ҳамда улар қолдирган бебаҳо ижодий ва илмий меросни инобатга олиб, қуйидаги марҳум олим, адиб ва санъаткорлар "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотлансин:***

**Ҳожихон Болтаев** — Ўзбекистон халқ артисти

**Муҳаммаджон Мирзаев** — Ўзбекистон халқ артисти, бастакор

**Ҳамид Олимжон** — шоир

**Наби Раҳимов** — Ўзбекистон халқ артисти

**Всеволод Иванович Романовский** — академик

**Ойимхон Шомуротова** — Ўзбекистон халқ артисти

**Сора Эшонтўраева** — Ўзбекистон халқ артисти

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 август.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

***Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси, бетакрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:***

**«Ўзбекистон Республикаси халқ артисти»**

**Равшанова Гулнора Ҳасановна** — Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилоят мусиқали драма театри актёри

**«Ўзбекистон Республикаси халқ бахшиси»**

**Исломов Зиёдулла (Ислом шоир ўғли)** — Бахши-шоир, Самарқанд вилояти

**«Ўзбекистон Республикаси халқ шоири»**

**Файнберг Александр Аркадьевич** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоир

**«Ўзбекистон Республикаси халқ рассоми»**

**Нуриддинов Муҳаммадхон Нуриддинович** — Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти доценти, рангтасвирчи

**Хабибуллин Озад Гарифович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рассом

**«Ўзбекистон Республикаси халқ устаси»**

**Абдураҳмонов Маҳмуд Раҳматуллаевич** — «Устазода» халқ амалий санъати корхонаси ганч ўймакори, Тошкент шаҳри

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг
## ФАРМОНИ

# Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн уч йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Муҳамедов Давлат Қодирович** — Хоразм вилояти бадиий ва амалий ишлаб чиқариш корхонаси наққош-устаси

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси»

**Саматов Саме** — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори

### «Ўзбекистон Республикаси халқ ҳофизи»

**Юсупов Қобил Ёқубович** — Фарғона вилояти, Олтиариқ тумани маданият уйи мусиқа раҳбари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист»

**Абипов Юсуп Жумабоевич** — Қорақалпоғистон Республикаси «Айкулаш» миллий рақс ансамбли балетмейстери

**Бобожонова Амина Амиржоновна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри балет артисти

**Ғафуров Бердишукур Фозилович** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри опера хонандаси

**Зарипов Улуғбек Фахриддинович** — «Ўздавлатцирк» бирлашмаси артисти, чавандоз

**Илёсов Дони Абдусаматович** — Ўзбекистон Бастакорлар уюшмаси аъзоси, бастакор

**Қаюмов Шуҳрат Ҳамидуллаевич** — «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси хонандаси

**Кудашкин Валерий Владимирович** — Ўзбекистон академик рус драма театри актёри

**Мадумарова Лайло** — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

**Хўжаева Комила** — «Сетора» эстрада гуруҳи хонандаси

**Мансурова Шамшиқамар Жариповна** — Республика ёш томошабинлар театри актёри

**Муҳаммаджонов Ботир Аҳмедович** — Ўзбек Миллий академик драма театри актёри

**Ниёзов Сойибжон Наврўзович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Мақом» ансамбли хонандаси

**Сайфуллаев Алишер** — Ўзбекистон миллий симфоник оркестри созандаси

**Ҳакимов Солижон Турғунович** — Ю.Шакаржонов номидаги Фарғона вилоят мусиқали драма театри актёри

**Холмирзаев Боир Мирзаалиевич** — Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқий театри актёри

**Шерматов Комилжон Эркинович** — Ўзбек миллий чолғу асбоблари «Сўғдиёна» камер оркестри созандаси

**Қодиржонова (Мирзақулова) Дилнура Шукуровна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси, хонанда

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси»

**Бекчанов Қурбонбой Ёқубобоевич** — Ўзбекистон Бадиий академиясининг Хоразм вилоят тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати директори

**Ерошина Галина Викторовна** — Ўзбекистон давлат консерваторияси катта ўқитувчиси

**Маҳмудова Ҳамида Ахюловна** — Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институти доценти

**Саидкаримов Ўткир Саидабдуллаевич** — Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети доценти

**Содиқов Санжар** — Ўзбекистон Миллий университети профессори

**Усмонов Қамар** — Тошкент молия институти кафедра мудири

**Худойқулов Холиқул Имомович** — Навоий вилояти, Нурота тумани қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

**Шахназаров Шариф Холлиевич** — Республика олимпия ўринбосарлари коллежининг оғир атлетика бўйича бош мураббийси

**Юсупова Нортожи Чонаевна** — Наманган санъат коллежи директори

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист»

**Зарипова Раънажон** — «Соғлом авлод» газетаси бош муҳаррири

**Раҳматов Нусратилло (Нусрат Раҳмат)** — Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси аъзоси, публицист

**Тошхўжаев Акрам Сайдакбарович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали шахмат шарҳловчиси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ихтирочи ва рационализатор»

**Тўхтаев Сайдиахрол** — Ўзбекистон Фанлар академияси Умумий ва ноорганик кимё институти лаборатория мудири

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

**Абдиқодиров Сувонқул** — Самарқанд вилояти «Чавки» фольклор-этнографик ансамбли бадиий раҳбари

**Ортиқбоева Ҳаётхон** — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Сирдарё вилояти бўлими раҳбари ўринбосари

**Зарипов Азат** — Хоразм вилояти, Хива тумани маданият ишлари бўлими раҳбари

**Назармуҳамедов Собир Қўчқорович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси постановкачи-режиссёри

**Рўзибоева Людфия** — «Ўзтелерадио» компанияси «Болалар» студияси режиссёри

**Сисоев Николай Петрович** — Навоий вилояти «Фарҳод» маданият саройининг директори

**Солиев Адҳам Назирович** — Фарғона вилояти, Қувасой шаҳар маданият ишлари бўлими раҳбари

**Убайдуллаев Ғайрат** — «Ўзтелерадио» компанияси «Тошкент» телеканали режиссёри

**Ҳазратқулов Мурод Муқумович** — Қашқадарё вилояти, Талимаржон шаҳри Алишер Навоий номидаги маданият маркази раҳбари

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

**Аҳмедов Эркин Ғаниевич** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Карантин ва ўта хавфли юқумли касалликлар муҳофазаси марказининг эпидемиолог — бактериологи

**Комилов Ҳайдар Позилович** — Биринчи Тошкент давлат тиббиёт институти профессори

**Сабуренко Юрий Федорович** — Соғлиқни сақлаш вазирлигининг республика нейрохирургия илмий маркази бўлим мудири

**Хўжаева Матлуба Ғаниевна** — Соғлиқни сақлаш вазирлиги республика онкология илмий марказининг нур ва кимёвий даволаш бўлими илмий раҳбари

**Хўжамбердиев Мамазоир** — Андижон давлат тиббиёт институти ректори

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спорт устози»

**Мурадасилов Сервер Диляверович** — Чирчиқ шаҳар Олимпия заҳиралари коллежининг дзюдо бўйича мураббийси

**Шевченко Валентина Васильевна** — Навоий тоғ-кон комбинатига қарашли спорт клубининг бадиий гимнастика бўйича бош мураббийси

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган спортчи»

**Кутибоев Еркинбой Менлибоевич** — Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Қорақалпоғистон филиали директори

### «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими»

**Азизхўжаева Наиля Назировна** — Тошкент давлат педагогика университетининг кафедра мудири

**Насриддинов Аҳмад Камолович** — Наманган вилояти, Давлатобод енгил саноат касб-ҳунар коллежининг касбий фан ўқитувчиси

***Халқимизнинг илмий салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб ҳиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Фидокорона хизматлари учун» ордени билан

**Бобоназарова Мариника Маратовна** — Қорақалпоқ давлат санъат музейи директори

**Йўлдошев Баҳодир Турсунович** — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрининг бадиий раҳбари

**Йўлчиева Муножотхон Абдувалиевна** — М.Қориёқубов номидаги Академик ва халқ бадиий жамоалари дирекцияси хонандаси

**Кист Александр Алексеевич** — Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти лаборатория мудири

**Қурбонова Нодира Сахобовна** — «Томоша» болалар фольклор театр студияси бадиий раҳбари

**Қурбонов Янгибой** — Қашқадарё вилояти, Муборак тумани, «Кўҳна шаҳар» қишлоқ врачлик пункти катта фельдшери

**Мўминов Раҳматулла Турдиевич** — Сурхондарё вилояти, Шўрчи тумани маданият ишлари бўлими раҳбари

**Турсунова Марҳабо Хожиевна** — Самарқанд шаҳридаги 9-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Йўлдошева Мухтабар** — Андижон вилоят «Лола» қўғирчоқ театри актёри

**Қосимов Миржалол Қўшоқович** — Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси сардори, республика олий спорт маҳорати мактаби йўриқчиси

### «Меҳнат шухрати» ордени билан

**Абдуллаев Баҳодир Абдурашитович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбектеле фильм» студияси дубляж бўлимининг бошлиғи

**Аҳмедов Одил** — Андижон вилояти маслаҳат ва диагностика маркази шифокор-жарроҳи

**Бегматов Абдували** — Ўзбекистон Миллий университети кафедра мудири

**Бекимбетов Жумамурат Кутлимуротович** — Нукус шаҳар енгил ва озиқ-овқат саноати касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

**Ботирова Мавлуда Ражабоевна** — Тошкент вилояти, Оҳангарон шаҳридаги «Саховат» уйи ҳамшираси

**Мавлонова Клара Оқиловна** — Жиззах вилояти руҳий касалликлар диспансери бош шифокори

**Раҳимов Ваҳоб** — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**Раҳимова Адолатхон Нажмиддиновна** — Бухоро шаҳар марказий шифохонаси бўлим мудири

**Саъдиев Ҳайрулла Ҳабибович** — Абдулла Қаҳҳор номидаги республика сатира театри актёри

**Содиқова Муҳтарам** — Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи

**Солиев Талат** — Ўзбекистон радиоси «Ахборот» муҳарририяти шарҳловчиси

**Тожиев Ҳабибулла Ҳикматович** — Курашни ривожлантириш бутунжаҳон жамғармаси раиси, Халқаро кураш ассоциацияси ижроия қўмитаси аъзоси

**Тошкенбоев Эркин Шокиржонович** — «Саҳнадаги цирк» корхонаси бош режиссёри

**Тўлаганов Абдулла Абдураҳимович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудияси оператори

**Тухватуллин Ильяс Хамидович** — Альпинизм ва қояларга чиқиш спорти бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси

**Ўтбосаров Турсун Саидович** — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси катта муҳаррири, мусиқа танловчи

**Шоҳисмоил ўғли Фиаз (Файзи Шоҳисмоил)** — «Жаҳон адабиёти» журнали масъул котиби, шоир

**Шур Ирина Алексеевна** — Ўзбекистон «Видергебурт» немис маданий марказининг раиси

**Эргашев Ибодулла** — Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси проректори вазифасини бажарувчи

***Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта ҳиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Туреева Нурия Кудияровна** — Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

### II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

**Алимжонова Дилбар Магрибжоновна** — «Соғлом авлод учун» ҳукуматга қарашли бўлмаган халқаро хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар таянч маскани раҳбари

**Арқаев Иноят Каримович** — Самарқанд вилояти, Қўшработ тумани «Қовунчи» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Икматова Алтингул Хожабаевна** — Қорақалпоғистон Республикаси, Кегайли тумани «Жузимбоғ» қишлоқ врачлик пункти мудири

**Ким Виталий Яковлевич** — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий марказининг Қорақалпоғистон филиали реанимация бўлими мудири

**Мекашев Айдарбек** — Наманган вилояти, Учқўрғон тумани марказий шифохонаси болалар бўлими мудири

**Мўминова Гулистон Ибрагимовна** — Қарши шаҳар 3-болалар поликлиникасининг ҳамшираси

**Тўхтамишева Розия Тошмуротовна** — Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани марказий шифохонасининг бўлим бошлиғи

**Тўхтаназарова Гулнора Маҳмаджоновна** — Тошкент вилояти руҳий-аномал гўдак болалар уйи бош шифокори

**Умаров Иброҳимжон Саматович** — Фарғона вилояти болалар шифохонасининг чақалоқлар жарроҳлик бўлими мудири

**Ураимова Патмахон Абдинабиевна** — Андижон вилояти, Асака педагогика коллежи касбий таълим фан ўқитувчиси

**Эффа Мария Львовна** — Хоразм вилояти 11-болалар уйининг катта ҳамшираси

***Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва бағрикенглик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шуҳратини юксалтиришга қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Дўстлик» ордени билан

**Бахтеева Любовь Васильевна** — «Ўзбекфильм» киностудияси овоз-монтаж устаси

**Буркутская Нина Робертовна** — Ўзбекистон Фанлар академияси асосий кутубхонаси бўлим мудири

**Дегтярева Нина Николаевна** — Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси

**Дюгай Платон Владимирович (Пўлат Дониёров)** — «Народное слово» газетаси бўлим муҳаррири

**Қаландаров Ситмамат** — Республика «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси Хоразм вилоят бўлими раиси

**Камолов Шокир Шарифович** — Бухоро вилоят бадиий-меъморчилик музей-қўриқхонасининг филиал бошлиғи

**Орлов Владимир Алексеевич** — Марказий ҳарбий спорт клубининг эркин кураш бўйича мураббийси

**Пўлатова Мамлакат Акмаловна** — «Ўзтелерадио» компанияси Тошкент халқаро радиоси муҳаррири

**Салпинкиди Иван Панаетович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Султонов Ҳамид Ибрагимович** — «Ўзбекистон матбуоти» журнали бош муҳаррири ўринбосари

**Тю Тхи Ким Зунг** — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ўқитувчиси

**Эгай Семен Борисович** — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Экофильм» студияси раҳбари, кинорежиссёр

**Ядринская Мая Рудольфовна** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри хормейстери

***Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислоҳотлардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:***

### «Шухрат» медали билан

**Аббосова Дилором Йўлдошевна** — «Ўқитувчи» нашриёти кимё-биология ва умумтехника адабиётлари таҳририятининг катта муҳаррири

**Абдуллаева Шаҳноз Каримжоновна** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, рангтасвирчи

**Аблязова Незия Джевдетовна** — Сирдарё вилояти, Боёвут тумани, Усмон Юсупов номидаги ширкат хўжалиги қишлоқ врачлик пункти мудири

**Азимова Шоҳиста Абдулазизовна** — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси интернет-провайдери

**Алимбекова Жумагул Мауленовна** — «Нурлы жол» газетаси бўлим мудири

**Алимов Чори** — Сурхондарё вилояти, Қизириқ туманидаги «Тараққиёт» газетаси муҳаррири

**Алихонов Шавкат Ғайратович** — «Ўзтелерадио» компанияси республика телемаркази таъмирлаш цехи бошлиғи

**Алламуротов Менгнор Мамаюсупович** — «Қишлоқ ҳаёти» газетасининг Сурхондарё вилояти мухбири

**Анваров Ғайрат** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси чоп этиш цехи матбаачиси

**Отажонов Отаназар Эгамович** — Хоразм вилояти Ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касб бўйича соғломлаштириш минтақавий маркази фельдшери

**Балашов Александр Григорьевич** — Республика олимпия заҳиралари спорт коллежининг стол тенниси бўйича бош мураббийси

**Баҳронов Шоди** — Навоий вилояти, Навоий шаҳар «Нурчилар» тиббий санитария қисми бош шифокори

**Бекбўтаева Рихси Нурматовна** — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри бўлими тарғиботчиси

**Бердиқулов Қодир** — Сурхондарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасининг шифокори

**Бийназова Наврўза Неъматуллаевна** — «Ўзтелерадио» компанияси «Спорт» телеканали катта муҳаррири

**Ғаппоров Зокиржон** — Наманган тумани «Гулдиров» қишлоқ-врачлик пункти шифокори

**Данилов Игорь Васильевич** — Давлат патент идораси бўлим бошлиғи

**Жангабоев Тожибой** — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Урганч бекати темир йўл шифохонаси жарроҳи

**Зайнутдинова Ильмира Шариповна** — «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари мухбири

**Зокирова Очахон Турдалиевна** — Фарғона вилояти Риштон саноат касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

**Ибрагимов Ислом Исмоилович** — Тошкент шаҳар экспериментал тажриба ҳайкалтарошлик ишлаб чиқариш комбинати раҳбари

**Эгамбердиева Кумуш Санатовна** — «Тошкент ҳақиқати» газетаси корректори

**Эргашева Роҳат Жўраевна** — Тошкент матбаа комбинатининг муқовалаш цехи машиниси

**Исоқова Муҳайё Сирожиддиновна** — Ўзбекистон Миллий университети аспиранти

**Исломбеков Эркин Султонович** — В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик маркази бўлим раҳбари

**Каменский Дмитрий Николаевич** — Тошкент трактор заводи қошидаги болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг мураббий-ўқитувчиси

**Комиссарова Наталья Петровна** — «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясининг газета чоп этиш цехи монтажчиси

**Қурбонов Эшқўзи Олимович** — Тошкент вилояти, Бекобод тумани 2-қишлоқ врачлик пунктининг катта фельдшери

**Кушниренко Нейля Михайловна** — Бухоро вилояти тери-таносил касалликлари диспансери лаборатория мудири

**Латипов Ҳалим Рафиқович** — Тошкент давлат техника университети кафедра мудири

**Латипова Лазокат Собиржоновна** — Тошкент Ислом университетининг «Зиё» студияси муҳаррири

**Мардаев Гулмурод Ҳайдарович** — Сурхондарё вилояти Жарқўрғон қурилиш ва гидротехника касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Матмусаева Мукаррамхон Тўхтаохуновна** — Андижон шаҳридаги 2-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Маҳмудов Маърифжон Мирзақулович** — Наманган вилояти, Мингбулоқ туманидаги 12-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби мураббийси

**Маҳмудова Назира Қўчқоровна** — Фарғона вилояти, Марғилон шаҳар 1-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Мирдадаев Саидаҳмад** — «Ўзтелерадио» компанияси радиоэшиттириш ва овоз ёзиш уйининг цех бошлиғи

**Мирзараҳимов Тўхтамурод Тўлаганович** — «Ўзтелерадио» компанияси «Ўзбекистон» телеканали телеоператори

**Миршахўжаев Собит Обиджонович** — Тошкент автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг махсус фан ўқитувчиси

**Мусакаева Альфия Адилевна** — Ўзбекистон тарихи давлат музейи етакчи илмий ходими

**Нажмиддинов Саид Маликович** — Сурхондарё вилояти, Бойсун туманидаги 12-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Никадамбоев Одил Олимжонович** — Тошкент давлат техника университетининг магистранти

**Одилов Сурат** — «Ўзтелерадио» компанияси «Маърифат» студияси бўлим бошлиғи

**Отабоев Шерзод Фарходбекович** — Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси, дизайнер

**Пономарев Геннадий Сергеевич** — Тошкент шаҳар 6-олимпия захиралари болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг волейбол бўйича катта мураббийси

**Рустамова Хосият Исломалиевна (Хосият Рустамова)** — Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, шоира

**Собирова Қундузой** — Республика Акушерлик ва гинекология илмий-тадқиқот институтининг Жиззах вилояти филиали шифокори

**Саъдуллаев Нозимбек** — «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг «Ўзбекфильм» киностудияси ёритиш цехи бошлиғи

**Саломова Саодат Рауфовна** — Навоий кончилик коллежи директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари

**Сапаров Алауатдин Разович** — Қорақалпоғистон Республикаси «Билим» нашриёти ишлаб чиқариш бўлими мудири

**Сейлханова Загипа** — Қорақалпоғистон Республикаси Тахиатош шаҳар болалар уйи ҳамшираси

**Тожиева Шарофат Умаровна** — Қашқадарё вилояти, Қамаши туманидаги 4-меҳрибонлик уйи тарбиячиси

**Турсунов Мейли Бекмуродович** — Қашқадарё вилояти Қарши қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежининг ўқитувчиси

**Умаров Мурод Жалолович** — Сирдарё вилояти таэквондо ассоциацияси раҳбари

**Ўролов Исроил** — Жиззах туман иқтисодиёт коллежининг ўқитувчиси

**Ўринова Бибигул Ёдгоровна** — Навоий шаҳридаги меҳрибонлик уйининг бош тарбиячиси

**Ўрунов Санатжон Аҳмедович** — Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси бош мутахассиси

**Усмонов Азимбек Низомович** — «Ватанпарвар» газетаси бўлим муҳаррири

**Усманов Иноят Шоюнусович** — «Ўзтелерадио» компанияси Халқаро алоқалар департаменти директори ўринбосари

**Халилова Шабон Жумаевна** — Бухоро шаҳар миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежининг муҳандис-педагоги

**Ҳамробекова Рихси Умирзоқовна** — Тошкент вилояти, Янгийўл туман саноат касб-ҳунар коллежи умумтаълим фан ўқитувчиси

**Ҳасанов Боймат Баянович** — Жиззах вилояти «Жиззах» ашула ва рақс ансамбли бадиий раҳбари

**Ҳасанова Любовь Тихоновна** — Тошкент давлат миллий рақс ва хореография олий мактаби ўқитувчиси

**Хўжаев Собиржон** — «Ўзтелерадио» компанияси бош дирекцияси телеоператори

**Хўжаева Рисолат Рамазоновна** — Бухоро шаҳридаги эркаклар мурувват уйи санитари

**Цай Людмила Ивановна** — Тошкент шаҳар, Миробод тумани 38-оилавий поликлиника шифокори

**Шоймардонов Саъдулла Рахмонович** — Қашқадарё вилояти халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари услубият маркази режиссёри

**Шаипов Рафик Мирхайдарович** — Оммавий спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг катта мураббийси

**Шукруллаева Инобатхон Курязовна** — Хоразм вилояти, Урганч автомобиль ва йўллар касб-ҳунар коллежининг умумтаълим фан ўқитувчиси

**Юсупова Гулчеҳра Шарифовна** — «Бухоро-турист» ҳиссадорлик жамияти ҳамроҳ-таржимони

**Яковец Юрий Матвеевич** — Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта театри муҳандиси

**Ёқубов Қодиржон Собитович** — Республика «Маънавият ва маърифат» марказининг Наманган вилояти, Учқўрғон туман бўлими раҳбари

**Қаноатов Толиб Қаноатович** — Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти бадиий муҳаррири

**Қодирова Дилфуза Носировна** — Фарғона вилояти, Фурқат тумани 6-маданият уйи бадиий раҳбари

**Қосимова Ҳуррият Хусановна** — Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг катта лаборанти

**Қурбонов Тўхтасин** — Андижон вилояти, Пахтаобод тумани «Давр садоси» газетаси бўлим мудири

**Ҳакимова Шамсия Ҳабибовна** — Бухоро вилояти, Ромитан туман кутубхонаси мудираси

**Ҳамдамов Улуғбек Абдуваҳобович (Улуғбек Ҳамдам)** — Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходими, ёзувчи

**Ҳотамов Абдусаттор Абдумаликович** — Тошкент вилояти, Зангиота тумани «Истиқбол» газетаси бош муҳаррири

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2004 йил 23 август.



**_2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум якунларига мувофиқ, мамлакатимиз икки палатали парламент тизимига ўтмоқда. Шубҳасиз, бу воқеа XXI аср бошида миллий давлатчилигимизни такомиллаштиришнинг энг муҳим босқичларидан бири бўлиб қолади. Бўлғуси икки палатали Олий Мажлис фаолиятини самарали ташкил этиш учун ҳуқуқий замин ҳозирланди._**

# Ҳуқуқий замин ҳозирланди

Бошланган ишларнинг мантиқий давоми сифатида Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига қўмитамиз аъзоларининг фаол иштирокида ишлаб чиқилган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида»ги, «Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари киритилган.

Хўш, мазкур қонун лойиҳаларини парламент сессиясининг кун тартибига киритишга нима сабаб бўлди?

Қонунчилик жараёнининг самарали кечиши, энг аввало, депутат ва сенаторлар ўз ваколатларини ҳеч қандай тўсиқларсиз, тазйиқсиз амалга ошира билишлари билан чамбарчас боғлиқ. Айнан депутат ва сенаторлар мамлакат фуқароларининг манфаатларини ифодалайдилар. Уларнинг ваколатлари ҳам ўзларига юклатилган вазифаларга мазмунан боғлиқдир. Бинобарин, шундай экан, депутат ва сенаторлар ўз вазифаларини тегишли тарзда бажара олишлари учун керакли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлмоғи лозим.

Амалдаги «Ўзбекистон Республикасида депутатларнинг мақоми тўғрисида»ги Қонундан фарқли ўлароқ, янги қонун лойиҳасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатларининг мақомлари бир хил этиб белгиланмаган. Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенат аъзоларининг мақомлари ҳамда маҳаллий Кенгашлар депутатларининг мақомлари бўйича иккита алоҳида қонун лойиҳалари ишлаб чиқилди. Бунинг, албатта, ўзига яраша сабаблари бор. Жумладан, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларини шакллантириш йўллари ва улар фаолиятини тартибга солиш борасидаги қонунлар бир-биридан фарқланади. Бундан ташқари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар ҳамда бошқа даражадаги депутатларнинг ваколатлари бир-биридан кескин даражада ажралиб туради. Баён этилган омиллар баробарида янги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишга Конституциямизга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳам сабаб бўлди, десак, муболаға бўлмас.

Яна шуни эътироф этиш лозимки, юқоридаги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқишда уларнинг мавзусига оид амалдаги тегишли қонунлар меъёрларининг аксарияти сақлаб қолинди. Шу билан бир қаторда янги қонун лойиҳалари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини шакллантириш ва унинг фаолият олиб боришига доир тегишли конституциявий қонунлар талабларидан келиб чиққан ҳолда яратилди.

«Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенатининг аъзосини чақириб олиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишга ҳам бир қатор объектив омиллар сабаб бўлди. Мазкур сабабларнинг энг асосийлари қаторига амалдаги тегишли қонун меъёрларини икки палатали парламент тизимига мувофиқлаштириш билан бирга депутат ва сенаторларнинг ўз сайловчилари олдидаги масъулиятларини ошириш, уларнинг ваколатларини асоссиз равишда тугатишнинг олдини олиш киради.

Икки сессия оралиғида қўмитамиз аъзолари, шунингдек, янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишда ҳам иштирок этдилар. Мазкур қонун лойиҳасида Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман)нинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, фаолиятининг асосий йўналишлари ва кафолатлари ифода этилган. Ушбу қонун лойиҳаси ҳам Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига қўйилган.

Айтиш жоизки, қўмитамиз ўзининг назорат-таҳлил фаолияти доирасида бир қатор ишларни ҳам амалга оширди. Жумладан, Ўзбекистон Республикасининг транспортда содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи қонунларини амалда қўлланишининг самарадорлиги ўрганиб чиқилди. Мазкур ўрганиш якунлари қўмитанинг тез кунда бўлиб ўтадиган мажлисида кўриб чиқилиши режалаштирилган. Бундан ташқари, жойларда мавжуд қонунларни тушунтириш ишлари амалга оширилди. Хусусан, бўлажак икки палатали Олий Мажлис фаолиятига оид конституциявий қонунларнинг моҳиятини кенг жамоатчиликка тушунтириш мақсадида муайян ишлар бажарилди.

Олий Мажлис биносида қўмитанинг фаол иштирокида «Сайлов қонунчилиги ва халқаро андозалар» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция ташкил этилди.

Шунингдек, жойларда бир неча тадбирлар амалга оширилди. Хусусан, Наманган шаҳрида Наманган давлат университетининг кўмаги билан «Икки палатали парламентни шакллантириш: ҳуқуқий асос ва демократик андозалар» мавзуида конференция ўтказилди. Унинг иштирокчилари мамлакатимизда олиб борилаётган парламент ислоҳоти тўғрисида кенг ахборотга эга бўлдилар.

Ўтган давр мобайнида ёш олимлар билан учрашдик, уларнинг илмий ишларига атрофлича кўмаклашдик, бир қатор семинарларда, конференция ва тренингларда иштирок этдик.

Мухтасар қилиб айтганда, Олий Мажлиснинг тегишли сессиялари оралиғида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ўз фаолиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосини яратишга, бажарилган ишларнинг натижаларини кенг оммага етказишга қаратди.

**Нурдинжон ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси.**

# Қонунчилик салоҳияти

**_Иккинчи чақириқ Олий Мажлисимиз беш йиллик катта тарихий йўлни босиб ўтиб, ўзининг якуний даврига кириб бормоқда. Бу муддат мобайнида ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини яратиш, қонунларни амалиётга жорий этиш, халқаро парламентлараро муносабатларни кенгайтириш, мустаҳкамлаш ва уларни янги босқичга кўтариш юзасидан салмоқли, самарали қадамлар қўйилди. Бўлиб ўтган ўн тўртта сессияда 88 та қонун қабул қилиниб, 290 та қарор чиқарилди, 265 та қонунга 1185 та муҳим ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди._**

Ўзбекистон Республикаси ўз бошидан кечираётган ранг-баранг ўсиш-ўзгаришларда олий ҳокимиятимиз олиб бораётган интенсив қонун яратувчилик фаолиятининг ўрни, салмоғи, аҳамияти катта. Иқтисодий, ижтимоий, маданий, маърифий, ҳарбий салоҳиятларнинг шаклланиб, кучга кириб, ҳақиқий маънода давлатчилик мазмуни, мундарижаси, йўналишларини касб этишида Олий Мажлиснинг кўп қиррали фаолияти фаол роль ўйнади. Қонун яратувчилик салоҳияти ва қимматли тажрибалари юзага келди. Икки палатали парламентнинг ёркин ҳуқуқий асослари яратилди. Палаталарнинг регламентлари, депутатлар, Сенат аъзоларининг ваколатлари, мақомлари белгиланди. Мана шу салмоқдор самарали ишларда Олий Мажлис қўмиталари, комиссиялари, сиёсий партиялар фракцияларининг ижодий меҳнатлари ярқ этиб кўзга ташланиб туради.

Кейинги бир неча ойлар ичида Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонунларини аҳоли, кенг сайловчилар ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш асосий ишларимиздан бўлди. Маълумки, сиёсий партиялар ҳам парламентга, ҳам халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ўтадиган сайловларнинг бош субъекти, эгаси, уларнинг тўғри маънодаги двигатели ҳисобланади. Партиялар бевосита ва билвосита сайловлар орқали давлат бошқаруви формаларини шакллантиришга тўғридан-тўғри ўз улушларини ва ирodaларини қўшадилар. Сайловчи ва сайланувчи қанчалар ҳуқуқий саводхон, ўз фуқаролик ҳақ-ҳуқуқлари, мажбуриятларини Конституция даражасида яхши англаган бўлса, унинг бу онглилигидан партия фақат ютади.

Шунинг учун «Миллий тикланиш» демократик партиясининг фаоллари, етакчилари, Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракцияси аъзолари йил бошиданоқ сайловлар тўғрисидаги қонунларимизни, уларга киритилган ўзгартишларни партия йиғинлари, аҳолининг ранг-баранг қатламлари билан учрашувларда, Олий Мажлис қўмиталари ва комиссиялари, Марказий сайлов комиссияси, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, «Ижтимоий фикр» маркази, «ЭКОСАН» халқаро жамғармаси ва шунга ўхшаш бошқа нодавлат нотижорат ташкилотлари билан биргаликда ўтказилган ўнлаб амалий-назарий семинарлар, тренингларда муҳокама қилдилар. Сайлов тўғрисидаги қонунлар умумий ҳуқуқий саводхонлик ва хусусан, сайлов саводхонлигини ошириш йўналишларида, айтиш мумкинки, «узунасига ва кўндалангига» ишлаб чиқилди. Бунда электоратга кенг тушунчалар бериш бир мақсадга, қолаверса, партия ўзаги бўлган фаол етакчилар, ҳар бир партия аъзосининг тушунча олиши, сайлов жараёнларини онгли ва тўлалигича тасаввур қилиши — иккинчи катта мақсадимизга айланди. Лекин ҳалиҳануз бу ишлар охирига етган эмас. Қонунларимизни тушунтириш, халқнинг кенг қатламларига етказиш йўналишидаги ишларимиз интенсив давом этади. Фақат тарғибот-ташвиқот ишларини одамларни зериктирмасдан, қизиқарли, таъсирчан усуллар топиб давом эттириш муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов тўғрисидаги

### Партия фракциялари

қонунларимизда акс этган жараёнга доир вақт, муддатлар билан боғлиқ меъёрларни тўлиқ ва аниқ ўзлаштириш, уларга иш мобайнида пунктуал тарзда риоя этиш, номзодлар, партияларнинг округлар, сайлов участкаларидаги кузатувчилари, номзодларнинг ишончли вакиллари, ОАВнинг бутун сайлов жараёнидаги ўрни ҳамда кенг йўналишдаги вазифаларини ҳар томонлама билиш, доим тасаввурда тутиш, партиянинг сайловларда иштирок этиш ҳуқуқини қозониш учун имзо тўплашдек барча ишларни қонун талаблари савиясида адо этиш — булар ва бошқа кўплаб демократик талаблар, принципларни мукаммал эгалламасдан туриб, ҳозирги замон сайловларида тўлақонли иштирок этиш, энг муҳими, ютуқларга эришишни ҳатто тасаввурга ҳам келтириб бўлмайди. Ўзимиз тўла ўзлаштириб олмасак, ўзимиз меъёрларга тўла риоя этмасак, қандай қилиб бу муҳим омилларни сайловчиларимиздан кутамиз, талаб қиламиз?

Сайлов онгининг пайдо бўлиши ва ўрнашиши биз учун ҳозир ғоятда муҳим. Сайлов онги сайлов ҳақида зарур тушунчалар мавжуд бўлгандагина юзага чиқади. Буларнинг сиёсий партиялар учун муҳимлиги яна шундаки, фуқароларда сайлов онги туғилган ва унинг кундалик тафаккурида мустаҳкам ўрнашгандагина биз ўз дастурий ғояларимиз, ижтимоий-иқтисодий йўл-йўриқ, белгиларимиз, мафкурамизнинг асосий қирраларининг унга етиб бориши, тушунарли бўлишига эришамиз. Сайловчи билан ўртамизда ҳамкорлик шундан туғилади. Кенг ҳамфикрликка эришган партия сайловларда ҳеч шубҳасиз яхши натижаларни қўлга киритади.

Қонунларимизда баён этилган демократик принциплардан бири — сайловларда қатнашишнинг теран ихтиёрийлиги. Бу жуда қимматли демократик принцип. Сайлов эркининг шахсга берилиши. Электорат билан бизнинг дастурий вазифаларимиз, мақсадларимиз нуқтаи назаридан ҳамфикрлик пайдо бўлганда сайловда фуқаронинг қатнашиши ихтиёрийлиги онгли, масъул ихтиёрийликка айланади.

Бизнинг бутун умидимиз шундан.

Олий Мажлисдаги «Миллий тикланиш» фракциясининг ўн иккита аъзоси бор. Қирқ мингдан ортиқ партия аъзоларининг ҳар ўн мингига учтадан фракция аъзоси тўғри келади.

Биз бошданоқ «Миллий тикланиш» фракцияси аъзоларидан кенг маънода партия оммавий-сиёсий ишларининг ташкилотчилари бўлишларини, минтақаларда партия ишларига етакчилик қилишларини талаб қилиб келмоқдамиз. Олий Мажлисда қабул қилинаётган, лойиҳалари ишланаётган қонунларнинг муҳокамалари бўладими, халқаро терроризм хуружлари, диний экстремизм таҳдидларига қарши одамларнинг онгини уйғотиш, бошини қовуштириш, миллий бирлик туйғуси, тушунчасини, ижтимоий-иқтисодий муаммоларга онгли соф прагматик муносабатларни шакллантириш бўладими, кенг спектрдаги масалаларни ҳал қилиш, уларга диққат-эътибор, соғлом, реалистик муносабатлар юзага келишида фракция аъзоларининг ташкилотчилиги, жойларда уюштирувчи ишларни олиб бориши жамият учун ҳам, партия учун ҳам жуда катта аҳамият касб этади. Миллионлаб саводхонликка, маданиятга, сиёсий ишларга ташна кишилар олдида ўн-ўн икки фракция аъзоси унча ҳам катта куч эмасдай кўринади. Лекин биз кейинги беш йил ичида «Миллий тикланиш» фракцияси аъзолари ижтимоий муҳитда ўз таъсир доираларига эга бўлишларига доимий эътибор бериб келмоқдамиз. Гуландом Боқиева, Шарифа Салимова, Зокиржон Машрабов, Раҳматали Жалилов, Хуршид Дўстмуҳаммедов сингари «Миллий тикланиш» фракцияси аъзолари партиянинг оммавий-ташкилий ишларида, қонунлар ижросини ўрганишда, партиянинг янги ҳаракат дастурини яратишда Марказий Кенгаш аъзолари қаторида яхши жонбозлик қилмоқдалар. Улар муҳим сайловлар арафасида жойлардаги ташкилотларимизни мустаҳкамлаш, жонлантириш, оёққа қўйиш, ишимизга янги нафас бағишлашда, сафларимизни жипслаштириш, янги-янги ҳақиқий «миллий тикланишчилар»ни тарбиялаш, партиянинг обрў-эътиборини кўтаришда сидқидилдан кўмаклашмоқдалар.

Олдимизда ҳали адо этилиши керак бўлган ишлар, вазифалар, ечими топилиши зарур муаммоларнинг уфқлари ястаниб ётибди. Кимдир бу уфқларнинг катталиги, кенглигидан чўчиб, биздан ўзини четга тортгандир, кимдир бу ишларнинг салмоғини назар-писанд қилмагандир, кимдир фракция иш олиб борган даврларни елга совургандир, шунга қарамасдан, «Миллий тикланиш» фракцияси парламентимиз билан ҳамоҳангликда, қонун талаблари асосида иш олиб борди. Катта амалий-назарий тажриба ва билимлар орттирди.

Иккинчи чақириқда ўтган амалиётларимиз, тажрибаларимиз, изланишларимизнинг аҳамияти ана шунда.

**Иброҳим ҒАФУРОВ,**
**«Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси раҳбари.**

# Қўмита ва комиссияларда

Кеча Олий Мажлиснинг Иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси М. Умаралиев олиб борди. Йиғилишда депутатлар парламентнинг ўн бешинчи сессияси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилдилар ва бир овоздан маъқулладилар.

Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг ўринбосари М. Абдураҳмонов «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида»ги ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалалар бўйича ахборот берди. Ушбу масала Олий Мажлиснинг ўн бешинчи сессиясининг муҳокамасига киритиш учун қўмита аъзолари томонидан маъқулланди.

Йиғилишда, шунингдек, Олий Мажлиснинг бугун бошланажак сессиясида иккинчи ўқишда киритилаётган «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

* * *

Шу куни Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитасининг йиғилиши бўлиб ўтди. Қўмита раиси Қ. Жумабеков бошқарган ушбу йиғилишда Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартибига киритилган масалалар ҳақида фикр алмашилди. Шунингдек, қўмитанинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти ҳам таҳлил қилинди.

* * *

Кеча Ёшлар ишлари қўмитасининг сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни қўмита раиси Азамат Зиё олиб борди. У навбатдаги парламент анжумани ҳақида гапирар экан, депутатларни сессия кун тартиби билан таништирди. Қўмита аъзолари ушбу масала юзасидан ўзаро фикрлашиб, уни бир овоздан тасдиқладилар. Шунингдек, депутатлар Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижросини муҳокама қилдилар. Бундан ташқари, қўмитанинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти ҳам кўриб чиқилди.

* * *

Шу куни парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитасининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Унда мазкур қўмита аъзолари Олий Мажлиснинг бугун бошланажак XV сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалаларни, хусусан, «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳрири лойиҳасини муҳокама этиб, бир овоздан маъқулладилар.

Қўмита йиғилишида кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Кеча Олий Мажлиснинг Регламент, одоб ва депутатлар фаолиятининг таъминоти комиссиясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда комиссия аъзолари, парламент депутатлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартиби лойиҳаси тўғрисида комиссия раиси Ш. Хўжаниёзова маъруза қилди. Шундан сўнг депутатлар кун тартибига киритилиши назарда тутилаётган масалалар юзасидан фикрлашиб, уни бир овоздан маъқуллашди.

Комиссиянинг 2000-2004 йиллардаги фаолияти бўйича тингланган ҳисоботда ўтган давр ичида амалга оширилган ишлар хусусида сўз борди.

Таъкидландики, комиссия томонидан икки сессия оралиғида фуқаролардан тушган ариза ва шикоят хатларининг ижобий ҳал этилишида кўмаклашилган. Фуқаролардан келиб тушган ушбу мурожаатномалар ўрганилганда, кўпчилигида депутатларнинг хулқ-атвори, муомала маданиятидан норозилик борлиги очиқ-ойдин айтилгани тан олинди. Йиғилишда ана шу ҳолатларни бартараф этиш юзасидан керакли тавсиялар берилди.



Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

## Блокларда

Кеча Ҳокимият вакиллик органларидан Олий Мажлисга сайланган депутатлар блокининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда блок аъзолари дастлаб парламентнинг бугун бошланажак XV сессияси кун тартибидан жой олган масалаларни муҳокама этдилар.

Шундан сўнг блок аъзолари «Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси тўғрисида» ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисида»ги масалаларни ҳам муҳокама этиб, маъқуллади. Бу ҳақда республика молия вазири С. Раҳимов ахборот берди.

* * *

Шу куни Сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг Олий Мажлис депутатлари блокининг ҳам сессияолди йиғилиши бўлиб ўтди. Уни мазкур блок раҳбари А. Саидов олиб борди.

Йиғилишда парламентимизнинг XV сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланаётган масалалар муҳокама этилиб, депутатлар томонидан бир овоздан маъқулланди.

Шунингдек, бўлиб ўтган блок йиғилишида парламентнинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитасининг 2000-2004 йилдаги фаолияти ҳақидаги ҳисобот ҳам тингланди.

## Партия фракциясида

Кеча «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлисдаги депутатлар фракцияси йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Т. Даминов олиб борди. Йиғилишда Давлат бюджетининг 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги ижроси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилга мўлжалланган асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджетининг параметрлари тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Фракция аъзолари йиғилишда муҳокама қилинган масалаларни маъқулладилар.

**Ўз мухбирларимиз.**

# Экспорт назорати — хавфсизлик гарови

**Маълумки, парламент сессияларида жамиятимиз ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳалари учун долзарб бўлган масалалар, қонун лойиҳалари депутатларимиз муҳокамасига киритилади. Баҳс-мунозаралар сўнггида қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ижтимоий ҳаётимизнинг йилдан-йилга яхшиланиб боришида ҳуқуқий асос бўлаяпти. Айни пайтда Олий Мажлиснинг XV сессияси кун тартибидан ўрин олган масалалар ҳам кенг жамоатчилик орасида катта қизиқиш уйғотмоқда. Масалан, кун тартибига киритилган «Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини олайлик. Жамиятимизда эҳтиёж сезилаётган ушбу қонун лойиҳаси ҳақида айрим юртдошларимизнинг фикрлари билан қизиқдик. Қуйида уларнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этаяпмиз.**

**Улуғбек ТОЖИЕВ, «Тўрткўл оқ олтини» акционерлик жамияти бошқаруви раиси, техника фанлари номзоди:**

— Замон ўзгариб бормоқда. Дейлик, XX аср бошларида радио ва авиация кўз кўриб, қулоқ эшитмаган мўъжизалар сифатида қабул қилинган бўлса, XXI аср компьютерлар асрига айланди. Эндиликда интеллектуал мулкдан қимматлироқ мулк йўқлиги ойдинлашмоқда. Демоқчиманки, мазкур қонун лойиҳасида «олиб чиқилаётган илмий-техника ахбороти, интеллектуал фаолият натижалари» деган сўзлар бежиз келтирилмаган. Лойиҳанинг 12-моддасида юридик ва жисмоний шахсларнинг экспорт назоратига оид вазифалари кўрсатиб берилган.

Сиёсий мавзуда гап кетганда, Президентимиз Ислом Каримовнинг Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Марказий Осиёни ядро қуролидан холи ҳудуд деб эълон қилиш ташаббуси билан чиққанлиги ёдга келади. Эсингизда бўлса, ушбу таклиф йирик халқаро анжуман ва форумларда қўллаб-қувватланди. Шунингдек, мамлакатимиз терроризмга қарши курашда ҳам фаоллик кўрсатмоқда. Бутун жаҳон афкор оммасига яхши аёнки, халқаро террористик ташкилотлар ва уларнинг гумашталари ўз ёвуз ниятларини амалга оширишда ҳеч нарсадан тап тортмаяптилар. Экспорт назорати объектлари сифатида ҳар қандай хатарли товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахборотларидан фойдаланишмоқда. Шундай экан, бўлғуси сессияда ана шу лойиҳа қонун мақомини олса, у давлатимиз ва жамиятимизнинг туб манфаатларига хизмат қилишига шубҳа йўқ.

**Шавкат ЗАЙНУТДИНОВ, Тошкент давлат иқтисодиёт университети профессори:**

— Бугунги кунда Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув сиёсатини изчил олиб бормоқда. Иқтисодий, илм-фан, таълим ва ахборот алмашинуви соҳаларида самарали ҳамкорлик қилмоқда. Мамлакатимизнинг ташқи савдо товар обороти 2003 йилда 24,6 фоизга ортиб, умумий ҳажми 8 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Бу рақамлар Ўзбекистоннинг жаҳонда сиёсий барқарор ривожланаётган давлат сифатидаги мавқеини кўрсатади. Давлатимизда олиб борилаётган сиёсатнинг асл мазмуни тинч-тотув яшаш ва халқимизнинг турмуш даражасини мунтазам юксалтириб боришдир. Шу билан бирга, терроризм ва диний экстремизмга қарши чора-тадбирлар қўллаш ҳозирги куннинг глобал масалаларига айланмоқда.

«Экспорт назорати тўғрисида»ги қонун лойиҳасини синчиклаб ўқиб чиққач, менда бир фикр туғилди. Масалан, лойиҳанинг 11-моддаси, биринчи банди **«Ички назорат юридик шахслар томонидан экспорт назорати объектларини олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартибини таъминлашга қаратилган ташкилий-иқтисодий механизмини белгилаш чора-тадбирлари мажмуидан иборатдир»** тарзида таҳрир этилиши, ўйлайманки, унинг мазмунини янада тўлдиради.

**Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ва Худойберди ЭШМАНОВ ёзиб олди.**


ЛУКОЙЛ
Узбекистан Оперейтинг Компани
ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛЛИКНИНГ
13 ЙИЛЛИГИ БИЛАН!
"ЛУКОЙЛ Узбекистан Оперейтинг Компани" амалиётлар компанияси Ўзбекистон халқини Мустақиллик куни билан чин дилдан табриклайди!
Ўзбекистон ва Россия умумий ўтмишга эга яқин қўшни ва ҳамкорлардир. Жорий йилнинг 16 июнида Тошкентда "ЛУКОЙЛ" ва "Ўзбекнефтгаз" ўртасида имзоланган энг йирик шартнома бунинг яна бир далилидир.
Бухоро ва Хива минтақаларидаги газ бойликларини ўзлаштириш бўйича биргаликда олиб борилаётган кенг миқёсдаги ишлар, шубҳасиз, бизнинг дўст мамлакатларимиз иқтисодий ҳамкорлигининг ҳар томонлама ривож топишига ёрдам беради.
Ўзбекистоннинг барча фуқароларига янги муваффақиятлар, тинчлик, барқарорлик, бахт ва фаровонлик тилаб қоламиз.
ЛУКОЙЛ Узбекистан
Оперейтинг Компани


AVIA BANK
АТБ «АВИАБАНК»
Ўзбекистон
халқини
қутлуғ айём —
Мустақилликнинг
13 йиллиги билан
муборакбод
этади !
Барчангизга чин дилдан сиҳат-саломатлик, фаровонлик, мустақил Ўзбекистоннинг янада ривожланиши ва гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда улкан муваффақиятлар тилайди!
ВА ҚУЙИДАГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ:
• «Ишонч» омонати йиллик 30% – 1 ой муддатга;
• «Меҳрибонлик» омонати йиллик 36% – 70 кун муддатга;
• «Даромад» омонати йиллик 36% – 6 ой муддатга.
МАЪЛУМОТ
УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР:
55-62-90, 54-75-75.


«ЎЗПАХТАСАНОАТ»
уюшмаси
Ўзбекистоннинг меҳнатсевар
ва иқтидорли халқини яқинлашиб
келаётган ёрқин байрам —
Ўзбекистон Республикаси
Мустақиллигининг
13 йиллиги билан
муборакбод этади!
Барчангизга сиҳат-саломатлик,
бахт ва омад, мамлакатимизнинг янада
гуллаб-яшнаши йўлида, халқимиз
фаровонлигини ошириш,
иқтисодиётимизни мустаҳкамлаш ва
ривожлантириш борасидаги меҳнатингизда
улкан зафарлар тилаймиз.

# «АСАКА» БАНКИ — РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА

Байрамлар арафасида Мустақиллик объектлари — йирик иншоотлар, корхоналарнинг янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш одатга айланди. Улар орасида инвестиция лойиҳалари бевосита "Асака" банки кўмагида амалга оширилаётган корхоналар ҳам бор.

Жумладан, республикамиз мустақиллигининг 13 йиллик байрами арафасида ишга туширилган "Яккабоғтекс" ва "Боғоттекстил" (йигирилган ип ва газлама ишлаб чиқариш), "Лола-модель" ва "Шарқ-модель" қўшма корхоналари (трикотаж буюмлари ишлаб чиқариш)нинг инвестиция лойиҳаларини молиялашда «Асака» банки ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшди. Буларнинг сирасига "Сурхонтекс" ва "Исковуттекс" қўшма корхоналарини ҳам киритиш мумкин. Бу корхоналарнинг йигирилган ип ва газлама ишлаб чиқариш қувватлари жорий йилнинг Наврўз байрами арафасида фойдаланишга топширилган эди. Йил охиригача эса яна "Новофарма Плюс" қўшма корхонасининг доривор препаратлар ишлаб чиқариш қуввати ҳам ишга туширилади.

Ушбу лойиҳаларни амалга ошириш учун хорижий банкларнинг қайта молияланган маблағлари қаторида "Асака" банкнинг 6,1 миллион АҚШ доллари ва 23,8 миллион евро миқдоридаги ўз маблағлари ҳам йўналтирилди. Бу инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши 875 та янги иш ўрнини яратиш, 21,7 миллион евро ва 12,1 миллион долларлик маҳсулотни экспорт қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, банк Ўзбекистон Республикасининг инвестиция дастурига киритилган стратегик муҳим йирик лойиҳалар ва кичик бизнес лойиҳаларини молиялаштирди. Айни чоғда у мавжуд банк хизматларини такомиллаштириш ва кенгайтириш, янги хизмат турларини ўзлаштириш бўйича кенг кўламли фаолият юритмоқда.

Банкнинг 2002-2003 йиллар ва 2004 йил биринчи ярим йиллигидаги кредит фаолиятининг таҳлили ушбу давр мобайнида 2787,9 миллион сўм миқдорида соф фойда олганини кўрсатди. Бу 2003 йилдаги тегишли кўрсаткичдан 62,45 фоиз кўпдир.

2004 йил 1 июль ҳолатига кўра, умумий кредит маблағлари 277,4 миллиард сўмни ёки йил бошидагига нисбатан 27 фоиздан ошиқни ташкил этди (1-расм). "Ахборот-рейтинг" мустақил компаниясининг энг сўнгги баҳолаши бўйича "Асака" банки биринчи ярим йиллик мобайнидаги фаолияти якунларига кўра берилган кредитлар миқдори бўйича Ўзбекистоннинг етакчи 20 банки орасида 2-ўринни эгаллаб турибди.

*1-расм.*




Банк фаолиятини дунёга машҳур "Euromone" нашриёти ҳам юқори баҳолаб, "Энг яхши ютуқлари учун" мукофотини берди. Бу эса "Асака" банкининг Ўзбекистон Республикасининг кейинги 18 ой мобайнида барқарор юксалган энг яхши банки сифатида эътироф этилганидан далолат беради. Хусусан, ўша ҳужжатда "хорижий кредит линияларининг ўз вақтида жалб қилиниши ва банкнинг профессионал ҳамда энг маъқул баланслаштирилган кредит сиёсати унинг бундай ривожланишининг асосий сабабига айланганлиги" қайд этилган.

"Асака" банки мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарни кенгайтириш, замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этишни кўзда тутувчи инвестиция лойиҳаларини молиялашга ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. 2002 йилда умумий қиймати 17,6 миллион АҚШ долларига тенг 10 та лойиҳа бўйича молиялаш очилган бўлса, 2003 йилда умумий миқдори 43,0 миллион евро, 9,4 миллион АҚШ доллари ва 514,8 миллион сўмга тенг 16 та лойиҳа бўйича молиялаш очилди. 2004 йил биринчи ярим йиллигида эса 7 лойиҳа бўйича умумий қиймати 40,8 миллион евро, 5 миллион доллар ва 5,7 миллиард сўмга тенг молиялаш йўлга қўйилди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, банк кредит портфелининг 80 фоиздан ортиғини айнан хорижий маблағлар эвазига молияланган инвестиция лойиҳалари ташкил этади. Ресурс базасини мустаҳкамлаш учун банк томонидан «Гермес» (Германия), OeKB (Австрия), САЧЕ (Италия), «Эксимбанк» (АҚШ) ва КЕСКЕ (Испания) каби нуфузли экспорт-кредит агентликлари билан ҳукумат кафолатисиз товарлар ва технологик ускуналар етказиб беришга доир шартномаларни молиялаш бўйича битимлар имзоланди. Ушбу йўналиш бўйича жорий йилда «ЭКА Гермес» билан 75,0 миллион евро миқдоридаги умумий лимитни белгилаш тўғрисида шартноманинг имзоланиши банк томонидан қўлга киритилган ўзига хос ютуқ ҳисобланади. Бу «Гермес» томонидан Ўзбекистон Республикасига берилган умумий лимит маблағининг 50 фоизини ташкил қилади.

"Асака" банки 2004 йил биринчи ярим йиллигида таркибида олтин бўлган рудаларни қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича "Амантайтов Голдфилд" қўшма корхонаси лойиҳасини амалга ошириш мақсадида халқаро синдикатга кирди. "Оксус Ресурис Корпорейшн" (Буюк Британия) ва Навоий кон-металлургия комбинати мазкур корхона ҳаммуассиси ҳисобланади. Standard Bank London ва West LB (Германия) эса синдикат ташкилотчилари саналади. Ажратилган синдикатланган кредитнинг умумий қиймати 36,0 миллион АҚШ долларига тенг. Шундан 5,0 миллион доллари "Асака" банкининг улушидир.

Шунингдек, банк учун анъанавий бўлмаган инвестиция лойиҳаларини кредитлаш ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, газ конденсатини қайта ишлаш бўйича "Игилик-газ" қўшма корхонаси лойиҳасининг биринчи босқичи 2003 йилда муваффақиятли амалга оширилди. Бугунги кунда банк "Игилик-газ" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда лойиҳанинг дастлабки қиймати 3,8 миллиард сўмни ташкил қиладиган иккинчи босқичини амалга оширишга доир ишларни олиб бораётир.

Шу билан бирга, банк хорижий тажрибадан фойдаланган ҳолда, банк хизматларининг янги турларини ҳам амалиётга татбиқ этмоқда. Банк томонидан биринчи ярим йилликда ўзлаштирилган лизинг хизматлари бунинг далилидир. Ҳозирга қадар лизинг бўйича умумий қиймати 1327,62 миллиард сўмлик 12 лойиҳа молияланди.

Кичик бизнес корхоналарини қўллаб-қувватлаш ҳам банк фаолиятининг устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда. 2003 йилда кичик бизнес корхоналарига миллий валютада 16,8 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу эса 2666 та янги иш ўрнини ташкил этиш имконини берди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида "Асака" банки Халқаро молия корпорацияси, Осиё Тараққиёт банки, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки каби халқаро молия институтларининг кредит линияларини фаол жалб қилмоқда. 2004 йилда кичик бизнес субъектларига ишлаб чиқариш мақсадлари учун Осиё Тараққиёт банкининг кредит уюшмаларини микро молиялаш ва кредитлаш бўйича кредит линияси маблағлари ҳисобидан кредит линиясини очишга оид шартнома имзоланди. Ушбу кредит линияси бўйича тақдим этилган 7,5 миллион АҚШ долларидан йил охиригача 1,5 миллион долларини ўзлаштириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, 2004 йилда Халқаро молия корпорациясининг 10 миллион АҚШ доллари миқдорида учинчи кредит линиясини очиш мўлжалланмоқда. Ушбу тадбирлар ҳукуматимиз ва банкнинг кичик бизнес корхоналари учун имкон қадар қулай шароитлар яратиш бўйича сиёсатига мос келади.

Республика автомобиль саноати ривожига ёрдам бериб келаётган "Асака" банки "ЎзДЭУавто" қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларни сотишда ҳам фаол кўмаклашмоқда. 2004 йил бошидан 1 августга қадар ушбу завод 13 минг 19 та автомобиль сотди. Шундан 7348 та машина тижорат банкларининг кредит маблағлари орқали сотилди. "Асака" банки бу борада ҳам етакчи ўринни эгаллаб турганини таъкидлаш жоиз. Унинг кредитларидан 2340 та янги автомобиль эгалари фойдаланди. Бу "ЎзДЭУавто"нинг кредит маблағлари орқали сотилган жами автомобилларнинг 31,5 фоизини ташкил этади.

Айни чоғда банк кредит бериш борасида қатъий сиёсат юритиб, бир пайтнинг ўзида лойиҳаларни молиялашга оид янги хизмат турларини ҳам очмоқда. Банкнинг 2004 йилги кредит сиёсатида ҳам бу ўз аксини топган. Бундай сиёсатдан кўзланган мақсад мавжуд ресурсларнинг ликвидлигини сақлаш, таваккалчиликларни табақалаштириш, амалдаги қонунчилик ва нормативларга риоя қилиш шарти билан кредитларга жойлаштириш орқали юқори даромад олишни таъминлашдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун банк ресурс базасини мустаҳкамлаш, лойиҳалар таҳлили сифатини яхшилаш, янги молия хизматларини ўзлаштириш бўйича бир қатор кенг кўламли тадбирларни амалга ошираётир.

Инвестиция лойиҳаларини таҳлил қилиш сифатини яхшилаш учун эса банкда хомашё, тайёр маҳсулот ва технологик асбоб-ускуна каби параметрлар бўйича маълумотлар базаси ташкил қилинган. Ушбу маълумотлар базаси кўриб чиқилаётган лойиҳа параметрларини муваффақиятли молияланган лойиҳалар параметрлари билан тез ва самарали таққослаш имконини беради. Шунингдек, банк бўлимлари тармоғи орқали инвестиция лойиҳалари таҳлилини ривожлантириш учун лойиҳавий молиялаш бўйича бўлимларда кадрларни тайёрлашга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Банк таваккалчиликларни камайтириш мақсадида банкнинг кредит портфелининг фаол мониторингини олиб бормоқда. Банк стратегияси кредит портфелини реструктизация қилиш орқали таваккалчиликни табақалаштиришга қаратилган. Мисол учун, банк ташкил этилаётганида автомобилсозликка ихтисослашган бўлса, айни пайтда мазкур тармоққа сарфланган кредитларнинг катта улуши атиги 10,1 фоизни ташкил этади, холос. Бу борада иқтисодиёт реал соҳасининг бошқа тармоқларига маблағ сарфлаш миқдори кўпайтирилди. Бугунги кунга келиб, кредит портфелида енгил ва тўқимачилик саноати етакчи ўринни эгаллаб турибди. Бу республика ҳукумати томонидан юритилаётган сиёсатга тўлиқ мос келади.

Банк тегишли дастурга мувофиқ, келгусида қуйидаги тадбирларни амалга оширишни кўзда тутади:

— таваккалчиликни иқтисодиётнинг айрим тармоқларига жалб қилишни истисно қилган ҳолда кредит портфелини табақалаштириш (10-12 фоиз);

— банкнинг кредитлаш операциялари бўйича керакли даромад олиш даражасини сақлаш ва кредит портфелини муддат бўйича реструктуризация қилиш;

— кичик ва катта бизнесга сарфланган кредит маблағлари ҳажмини жалб этилаётган кредит линиялари ва банкнинг ўз ресурсларини қайта молиялаш ҳисобидан кўпайтириш;

— кредитларнинг илк босқичда муаммолилик белгиларини аниқлаш мақсадида кредит портфелинининг доимий мониторинги ва бу муаммоларни бартараф этиш чора-тадбирларини ўтказиш;

— кредит маҳсулотлари турларини кенгайтириш.

"Асака" банки қўлга киритилган муваффақиятларни янада кўпайтириш учун ўз олдига қўйган мақсадларга эришишга интилади. Банк жамоаси, одатга айланган анъаналарига кўра, молиявий тизимда ўз ўрнини янада мустаҳкамлаш ниятидадир.

**Банк матбуот хизмати.**

Liebert HIROSS

EMERSON. Network Power

**БАНКЛАР, ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ КОМПАНИЯЛАРИ, СТРАТЕГИК СОҲАЛАРНИНГ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА !**
**ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ВА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ СИФАТИ МУАММОЛАРИ**

Ҳозирги замон иқтисодий шароитида узлуксиз ва сифатли электр таъминоти манбаларининг, айниқса, муҳим ва стратегик соҳаларда қўлланилиши катта аҳамиятга эга. Бундай соҳаларга саноатдаги ҳар хил жараёнлар ва иқтисодиёт сигментлари, ахборот технологиялари («Info Tech» номини олган), телекоммуникация («Telecom»), йўлдош орқали алоқа, оптик толали алоқа, саноат автоматикаси, биноларни автоматик таъминлаш тизимлари (BMS), тиббиёт диагностикаси ва бошқалар киради.

Мазкур соҳалар сизнинг фаолиятингиз учун муҳим ҳаётий жиҳатлар ҳисобланиб, иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларини уларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бизнесни олиб боришда узлуксиз электр таъминоти муваффақиятли ривожланишнинг муҳим омилига айланмоқда. Бундан ташқари, қимматбаҳо мураккаб электрон мосламалар ёки компьютер тармоқларининг ишлаши электр таъминотининг сифатига боғлиқ.

Ахборот технологиялари соҳаларида IDC (Internet Data Centres — Интернет-марказлар), йирик локал тармоқлар (LAN), кириш тармоқлари (WAN) қўлланилаётган бўлса, телекоммуникация соҳасида мобил алоқанинг базавий станциялари ва марказий коммутаторлари (жумладан, тарификация ҳисоблаш воситалари), пейжинг алоқаси хизмати тўловини ҳисоблайдиган компьютерлар, WLL тизимлари (радиотелефон тизимлари), стационар алоқа тармоқлари; саноатда эса жараёнларни автоматик бошқариш тизимлари, кузатув тизимлари, биноларни таъминлаш автоматик тизимлари (BMS) ишлатилмоқда.

Жиҳозларингиз электр тармоғидаги ўзгарувчанлик ва тўсиқларга нақадар таъсирчан бўлса, сизнинг мазкур муаммони ҳал этишга бўлган эҳтиёжингиз ҳам кескинлашиб бораверади. Мисол учун, оддий шахсий компьютер ёки номинал электр қуввати 230В бўлган серверни олайлик. Агар таъминот кучланиши номинал белгидан 20% чегарасида турган бўлса, сервер ёки шахсий компьютер ишлашида таъминот билан боғлиқ ҳеч қандай муаммо рўй бермайди. Айни вақтда статистика кўрсатишича, бир объектда йил давомида ўртача юз берадиган кучланишдаги 103 та «ўпирилишдан» 42 таси кучланишнинг номинал белгисидан 70% четга чиқиб кетишига олиб бормоқда. Электрон мосламалар сонининг ўсиши уларнинг электртақсимлагич тизимларига таъсири эҳтимолини оширади, бу эса бундай таъсирдан ҳимояланиш чораларини ишлаб чиқишга янгича ёндашувни тақозо этади. Бизнинг вақтда тижорат ва саноат корхоналари юкини енгиллатиш мақсадида кучланишнинг синусоид шаклини сақлаш электртаъминотининг узлуксизлиги сингари ўта муҳимдир.

**БУ ЭЪТИБОРГА МОЛИК**

ЛОНДОН. 2003 йил 4 март. Компьютер тармоқлари учун инфратузилмани яратиш соҳасида етакчи ҳисобланган Холдинг Emerson Network Power компанияси DHL фирмасининг энг йирик коммутация марказини Прагада қуриш учун ҳамкор сифатида танланди. Liebert-Hiross тизимлари таъминотнинг ўта ишончлилигини кафолатлайди ва 2004 йилда ишга туширилиши белгиланган янги коммутация марказида микроиқлим ҳолатининг назоратини таъминлайди.

Бу Европада илк амалга оширилган шу классдаги кенг кўламли тизимдир. У Himod ҳавони мўътадиллаштириш 63 блокини, Mafrix ҳавони совутиш 6 чиллерини (шундан 4 таси эркин совутиш вазифасини ҳам бажаради), ҳар бири 600 кВа дан иборат бўлган 12 та ИБП Hipulse блоки, аккумуляторлар ва батареяларни автоматик тарзда улаш ва айириш асбоблари жавонини ўз ичига олади.

Товар-сертификатланган

Liebert HIROSS

Vinlad
Ҳаётимизни осойишта қиламиз!

EMERSON. Network Power

**ЭЛЕКТРНИ УЗЛУКСИЗ ТАЪМИНЛАБ БЕРИШ МАНБАЛАРИ**

**Етакчи Америка компаниясидан 450 ВА дан 800 кВА гача бўлган**

**UPS**

Манзил: Тошкент ш., Кушбеги к., 18-уй. Тел.: (998 712) 50-99-13, 50-46-13. Тел./факс: (998 71) 120-66-01.
e-mail: vinlad@sarkor.uz; vinlad@vinlad.com www.vinlad.com


GSM UZDUNROBITA first cellular

Уздунробита Ўзбекистон Олимпия қўмитасининг бош ҳамкори

*Мустақиллик байрами билан!*

*Азиз ватандошлар!*
*"Ўздунробита" компанияси Сизни Ўзбекистон Республикасининг Мустақиллиги байрами билан муборакбод этади ва барчага саломатлик, бахт, омад ва Ватанимиз равнақи йўлидаги меҳнатда улкан зафарлар тилайди.*

NEW!
"Уздунробита GSM" тармоғининг навбатдаги кенгайиши!
Янги GSM тармоғи Наманган вилоятининг Уйчи шаҳрида ишга тушди.

www.uzdunrobita.uz / wap.uzdunrobita.uz

Хизматлар лицензиялаштирилган


«ALSKOM»
ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ ҚЎШМА СУҒУРТА КОМПАНИЯСИ

мамлакатимизнинг барча фуқароларини, ўз акциядорлари ва мижозларини халқимизнинг энг улуғ ва азиз байрами —
Республика Мустақиллигининг 13 йиллик
айёми билан муборакбод этади!

Барчангизга шахсий ҳаётингизда омад, Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган ишларингизда зафарлар тилаймиз!

Мижозлар манфаатларини кафолатли ва ишончли суғурта ҳимояси билан таъминлаш мақсадида таклиф этаётган хизматларимиз фаолиятингизнинг барқарор ривожланишига кўмак беради, деган умиддамиз.

Байрамингиз муборак, азиз ватандошлар!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 24-уй.
Телефонлар: 132-09-64, 132-07-15, факс: 132-07-15. http:www.alscom.uz; e-mail: official@alscom.uz

O'zLotto

"ЎзЛотто" лотереяси 36-тиражининг
ҲИСОБОТИ

Лотерея тиражи 2003 йил 6 августда берилган 000001-сонли лицензия ва 2003 йил 6 августда тасдиқланган сонли "O'zLotto 6\40" телевизион лотереясини ўтказиш шарт ва қоидалари асосида ўтказилди.

| Тушган шарлар номери кетма-кетлиги: | 17 | 14 | 40 | 1 | 28 | 2 |
|---|---|---|---|---|---|---|

Тираж ўтказилган сана: 2004 йил 21 август

**Ўйналган ютуқлар:**

| Ютуқ категорияси | Ютуқ фонди | Ютуқлар сони | Бир ставка ютуғи |
|---|---|---|---|
| 6та тўғри топилган сон учун | 100 000 000 | 0 | 0 |
| 5та тўғри топилган сон учун | 886 800 | 1 | 886 800 |
| 4та тўғри топилган сон учун | 275 675 | 21 | 13 127 |
| 3та тўғри топилган сон учун | 964 862 | 300 | 3 216 |

Ютилмаган совринлар кейинги тираж ютуқ жамғармасининг худди шу категориясига қўшилади. Лотереянинг кейинги тиражи 2004 йил 28 август куни ўтказилади.

Кейинги тиражнинг
ЖЕК-ПОТ суммаси: 100 000 000 сўм

Тўкин ҳаёт сари!
Хизматлар лицензияланган
Тошкент, Ниёзбек йўли 24 тел. 136-70-69

Setco Telecommunication System
112-53-53, 112-54-54, 112-55-55, 134-50-40.

СПЕЦИАЛИЗИРОВАННАЯ ДИРЕКТОРСКАЯ МИНИ-АТС
**SETEX ST - D4440**

- Оперативная связь "директор – секретарь"
- Ведение разговора без поднятия трубки
- Конференция до 40 участников
- Вызов одного или группы абонентов нажатием одной кнопки

Конфигурация
- 2 директорских пульта
- 4 городские линии
- 8, 24 или 40 внутренних абонентов

АППАРАТУРА ВИДЕОНАБЛЮДЕНИЯ
• Монтаж "под ключ" • Сервисное обслуживание
• Техническое сопровождение • Гарантия 1 год

ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН, УСЛУГИ ЛИЦЕНЗИРОВАНЫ

O'ZSANOATQURILIShBANK
Кўпларни танишади – муносибларни танлашади !
Хизматлар лицензияланган

